





ТАРАКҚИЁТ ЙЎЛИ

МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ТАРИХИЙ КУНДА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI REFERENDUMI

2023

Тошкент давлат шарқшунослик университетиде фаолият олиб бораётган чет эллик ўқитувчиларнинг мамлакатимиздаги конституциявий ислохотлар борасидаги фикр-мулоҳазалари

Суммера ХАН,

ташқи иқтисодий фаолият ва туризм кафедраси ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Ҳиндистон):



Халқаро иқтисодий муносабатлар майдонида нуфузи тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар бугун янги босқичга чиқаётгани ҳақида биламиз. Шу боис, мамлакатда конституциявий ислохот ўтказилмоқда. Бу барқарор тараққий этаётган давлат учун қувонарли ҳол, албатта.

Муҳаммад РАМЗАН АЛИ,

ташқи иқтисодий фаолият ва туризм кафедраси ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Покистон):



Конституция аҳолининг хоҳиш-истаги, умидлари, эҳтиёжларини қондирувчи ва таъминловчи, бир сўз билан айтганда, ифода қилувчи Асосий қонундир. Ҳозир Ўзбекистон ўз Конституциясини янги таҳрирда ўзгартиришга жуда яқин турибди. Шу ўринда бу мамлакат фуқароларига нима беради, деган мулоҳазага тўхталиб ўтасак.

Пен СИНГЕ,

хитой филологияси кафедраси ўқитувчиси (Хитой):



30 апрель куни Ўзбекистонда янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш юзасидан умумхалқ референдуми бўлиб ўтишидан яхши хабардор-миз. Бу муҳим сиёсий жараён Ўзбекистоннинг узок муқаддатли тараққий стратегиялари, ўзбек халқининг эртанги фаровон ҳаёти учун мустақам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратилаётганини англатади.

Саид КУРАЙИМ,

араб филологияси кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Миср):



Ўзбекистон давлатларининг доимий диққат марказида туради. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги нуфузли давлат деб биламиз. Бунга мамлакат аҳолиси кўпчилиги ўқитувчи ресурсларга бойлиги сабаб эмас. Гап шундаки, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонни етакчи давлатлар даражасига олиб чиқишга қаратилган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда ва барча соҳада ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Мустафо КАРАЗЕЙБЕК,

туркий халқлар тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Туркия):



Ўзбекистон XXI асрда жадал тараққий эти таъминлаш орқали замонавий давлат ва фаровон жамият барпо этиш мақсадида ўз Конституциясини янгилаш йўлидан бормоқда. Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасини тайёрлаш ва уни яқунлаш жараёнида давлат ва жамиятнинг барча қатламлари иштирокини таъминлашга эътибор қаратилгани маълум. Бу икки жиҳатдан муҳим.

Иқтисодий бозорда қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш,

мулиявий ресурсларнинг эркин ҳаракатланишини, оила, болалар ва ёшлар ҳуқуқларини кафолатлаш, судьяларнинг ҳолислиги ва мустақиллигини таъминлашга доир моддалар мавжуд. Бу қоидаларнинг барчаси "давлатнинг ягона манбаи халқдор" деган ғоядан келиб чиқиб, референдум йўли билан омма эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида янги таҳрирдаги Конституция билан фуқаролар ҳуқуқлари, фаровонлиги ва кадр-қиммати давлат томонидан қафолатланган шароитда жадал ривожланади.

Шахс эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги, суд ҳокимияти мустақиллиги, демократик тамойилларни қўллаш каби замонавий ва умуминсоний кадриятларни ўз ичига олган, бой табиий ресурсларга, ёш ва динамика аҳолига эга Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси халқингиз фаровонлигини оширишга қатъий ийонаман.

Ишимура ИКУМИ,

япон филологияси кафедраси ўқитувчиси (Япония):




Қонунни дарахт деб олсак, Конституция унинг танасидир. Конституция, шунингдек, мамлакат қонун-қоидаларини бошқарувчи қонун. Барча қонунлар Конституцияда белгиланган сиёсат асосида яратилади. Япония Конституцияси давлат бошқарув тамойиллари, ҳуқуқат бошқарув тизими, инсон ҳуқуқлари каби бошқа мамлакатлар билан умумий, бир хил қоидаларга қўшимча, ишни судда кўриб чиқадиган қонун матнига ўз ичига олиб, бошқа мамлакатлар конституцияларидан ажралаб туради.

Японияда 1948 йилдан бошлаб 3 май — Конституция кунини сифатида нишонланади. Бу кун бизнинг давлат байрамимиз ҳисобланади. Бизда Конституциянинг икки хил лойиҳаси яратилиб, бири инглиз, иккинчиси япон тилида бўлган. Япония Конституциясида ўзгартириш киритиш учун парламент иккала палатасининг ундан икки қисми ҳамда халқнинг яримдан кўпи овоз бериши лозим.

Жо Мин ЁНГ,

корейс филологияси кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Жанубий Корея):



Ҳар бир давлатнинг эртанги кунини ёшларнинг қай даражада билимли экани билан бево-сита боғлиқ. Шунинг учун ҳам таълим тизимини ривожлантириш масаласига барча давлатларда энг муҳим вазифа сифатида қаралади. Айниқса, мактабгача ва мактаб таълими тулик давлат назоратида, унинг кафолатлари остида бўлиши шарт. Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясида ушбу жиҳатлар аввалгисидан фарқли ўлароқ, аниқ ва батафсил белгилаб қўйилмоқда.

Жо Мин ЁНГ,

корейс филологияси кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Жанубий Корея):



Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" давлат дастурига кўра, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсади қўйилган. Боланинг бепул умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқи конституциявий даражада қафолатланмоқда, шунингдек, амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини комплекс янгилашни назарда тутати.

Ушбу ҳуқуқий ислохотлар фондида Ўзбекистонда инсонга йўналтирилган ривожланишнинг янги даврига гувоҳ бўлмоқдамиз. Янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатда нафақат давлат таълим ташкилотлари, балки нодавлат ёки хусусий таълимни ҳам ривожлантириш учун шароит яратиш белгиланмоқда. Алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим-тарбия таъминланиши ҳам қафолатланган.

Ўзбекистоннинг нуфузли университетларидан бирида фаолият юритар эканман, ёш авлоднинг таълим олишга шжоат билан ёндашувини кўриб, давлат томонидан таълим соҳасидаги ислохотлар амалда кўзланган натижаларни бераётгани устоз-мураббий сифатида мени қувонтиради. Қайд этилишича, Ўзбекистонда саводхонлик даражаси 99,99 фоиз эканини маъзур соҳадаги энг катта ютуқлардан бири сифатида изоҳлаш мумкин. Шунингдек, таълим соҳасидаги ислохотлар ва университетлар сонини янада ошириш орқали ёшларнинг олий таълимга қамровини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар яқин истиқболда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатишига ишончим комил.

"Янги Ўзбекистон" мухбирлари Нодир МАҲМУДОВ, Лулубек АСРОПОВ ёзиб олиди.





